

Күтлүбека

Күйксимдаги

Тангри тоғ

ҚУТЛИБЕКА

КЎКСИМДАГИ ТАНГРИТОҒ

ШЕЪРЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2002

Қутлибека

Кўксимдаги Тангригов: Шеърлар. — Т.: «Шарқ», 2002. — 64 б.

Ўзбекистон, ўзбеклар, Озодлик... Бу сўзлар Қутлибека шеърларида кўп такрорланади. Такрорланган сайин қалбга яқин келади, сеvimлироқ, азизроқ туюлади. «Айтсам ҳар товшимдан сачраб чиқар чўғ...» Шоира «мен»ини ўйлатган, куйдирмоқ қисматини бериб сийлаган қай куч, қай қудрат экан? Тўпلامдан бу саволга ишончи жавоб топасиз.

Ўз. 2

ҲУРЛАНИШ ЧОҒИ БУ



ЎЗБЕКИСТОН

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар
Айтсам, ҳар товшимдан сачраб чиқар чўғ.
Ҳар товши кўксимда Тангригор тиклар,
Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ.

Фақат шу унвон деб куйса бўлади,
Фақат шу арзийди одам жонига.
Байроқ каби қадаб қуйса бўлади
Ёлғиз шу унвонни юрак ёнига.

Кўз ёш билан келар ҳақиқий шодлик,
Йиғлаб қувонаман, халқим, бахтингдан.
Гўрўғли кўринар ҳар битта отлик,
Қуёшлик излайман тола ёқтингдан.

Эркинг жон сувидан ҳовучлаб олиб,
Ҳар битта ўзбекка сепгим келади.
Ўзбеклигим учун ўзгалар қолиб
Ҳатто, ўзимни ҳам ўшгим келади.

Ҳур миллат нишонда туради мудом,
Уйроқ бўлмоғи шарт ичи ҳам тоши.
Кўзимни оқиқ тут, э Қодир Худо,
Қувончдан айланиб қолмасин бошим.

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,
Ҳар товши бир шунқор — ушлаб турар туғ.
Шунқорим, туғингни баландроқ тикла,
Дунёда бундан-да яхши унвон йўқ.

ЖОН СЎЗНИ

Шу уйнинг устида турган байроқни
ёвоч тутқичидан оҳиста ечиб,
ўзимнинг қўлимга ўрнатгим келар.

Хумоқуш ўтирган туғромизни ҳам
михланган тахтадан аста ажратиб,
юрагим устига ўрнатгим келар.

Озодлик деган шу бебаҳо сўзни
девордан беозор кўчириб олиб
яшириб қўйсайдим кўнглим уйига.

Мумгардиш ичига киргим келади.
Ҳар ҳарфин, ҳар товшин мадҳиямизнинг
содиқ аскар каби қўриб ўтирсам
ёмон қарашлардан, ёмон кўзлардан.

Мен бадбин эмасман,
шубҳачи эмас.
Фақат кутиб-кутиб топганимизни,
Фақат қонлар ютиб топганимизни
Мана бу Ёвочми, Тахтами, Девор —
Мумгардиш — бир лаҳза рафлатда қолиб
олдириб қўймаса дея қўрқаман.
Мен ушоқ бўлсам-да,
Аёл бўлсам-да
Ўзимда тургани ишончлироқдай.

ВАТАН БИР БУТУНДИР

«Сен қайси тарафдасан?»

Бу қандай сўроқдир — ўргаттувчинг ким?
Жосусга ўхшайди ахир бу савол.
Кел, яқин ўтириб қилайлик ажрим
Бир онанинг икки боласи мисол.

Мен учун у тараф, бу тарафлар йўқ,
Ватан бир бутундир, бутундир миллат.
Жоноғрир жойимга санчиб ўтар ўқ —
Ундаги ҳар яра, жароҳат, иллат.

Итин ҳам бировга хўрлатгим келмас,
Ажратиб севмайман йирик, майдага.
Мен шундай севгини тушунаман бас,
Қолган барча гаплар ғийбат, майда гап.

Ўнг кўзни чап кўзга ёвлатиб хатлаш,
Кеча дор, сургунлар туққан бу усул.
Миллатни бир этмоқ доим баландлаш,
Ажратиб юрмоқлик доим таназзул.

...Бу қандай сўроқдир, сўраттувчинг ким?

ЁЛҒИЗ СИЗГА ИШОНАМИЗ

*Дехқонлардан ҳол сўралса, андиша
билан ер чизадилар.*

Билганинг ичингда, қовжирайдирсан,
«Ҳолинг нечук?» деса довдирайдирсан.
Тилсиз ерга боқиб жавдирайдирсан,
Бугун ҳол айтмасанг, қачон айтасан?

Ҳориган, қариган ерингдан гапир,
Увол кетган манглай терингдан гапир,
Бўш чаноқ сингари қўлингдан гапир,
Бугун ҳол айтмасанг, қачон айтасан?

Сочилган, бўлинган, минг донамиз де,
Ярмимиз ҳайрона, гирёнамиз де,
Ярмимиз сарҳушмиз, мастонамиз де,
Бугун ҳол айтмасанг, қачон айтасан?

Ҳеч йўқ: Ёлғиз сизга ишонамиз де,
Сиз ёнган ўтларда биз ёнамиз, де,
Бир куни албатта уйғонамиз, де,
Бугун ҳол айтмасанг, қачон айтасан?

Изингга қайрилиб кўз солгин ахир,
Оғриқ, армонингдан куч олгин, ахир,
Жонлангин ахир-ей, кўзғолгин, ахир,
Бугун ҳол айтмасанг, қачон айтасан?

ЎНГЛАНИШ ЧОҒИ БУ

Мухтасарга

Қора кўзга қорачиғлар ярашиб,
Қора сочни тол-тол этиб тарашиб,
Оқ юзларинг ой билан нур талашиб
Келарсан,
айланай келишларингдан.

Кўнглингда Гўрўғли, Авазларинг бор,
Оқ либос киймоқлик ҳавасларинг бор,
Изларингда райҳон нафаслари бор,
Турарсан,
айланай туришларингдан.

Тупроқни босқилаб ётлар ўйнади,
Шоҳларга қўшилиб мотлар ўйнади,
«Галдир» сасларинда «дод»лар ўйнади,
Сўрарсан,
айланай сўрашларингдан.

Юракларни кўрқув — қафасга солди,
Диллар тилларини «бас-бас»га солди,
Шунда ҳам кимнидир қасосга солди.
Биларсан,
айланай билишларингдан.

Булутларга яшин, чақмоқлар тушди,
Қорликларга яшил сўқмоқлар тушди,
Юракларга ёнмоқ, ёқмоқлар тушди,
Куларсан,
айланай кулишларингдан.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3070> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3070> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3070>